11.40 Волебол. Олимпийский квалификацияльный турнир.
13.25 20.55 Русский бильярд.
15.35 03.10 Автопортрет «Давар-2008».

16.25 Каноиньонный спорт. ЧЕ.
18.10 04.00 Баттон. Кубок мира. Женщины. Двойки.
19.55 «Торна отпаш»
20.25 «Скоростной уастан»
23.05 05.35 Волебол.
01.05 Волебол. Олимпийский квалификацияльный турнир.

Жума

07.20 Волебол. Олимпийский квалификацияльный турнир. Женщины. Россия - Румуния.
08.45 11.00 15.20 19.45 23.15 02.05 «Вести-спорт»
09.00 10.00 «Зарядка с чемпионом»
09.15 М.ф. «Самый старый помощник», «Белый дельфин»
09.25 М.ф. «Сюби-Ду и Серрапи-Ду»
10.15 Т.с. «Сказка колдуньи»
10.45 «Мастер спорта»
11.10 01.35 «Тина отпаш»
11.40 Баттон. Кубок мира. Женщины. Спринт.
13.20 «Сборная Россия». А. Еременко.
13.25 15.30 Хоккей. Чемпионат России.
16.10 02.15 Автопортрет «Давар-2008»
17.00 Скейтборд. Кубок мира. Женщины.
18.10 03.00 Баттон. Кубок мира. Мужчины. Спринт.
19.35 «Рыбалка с Радзивиловым»
20.10 Скейтборд. Кубок мира. Женщины.
20.45 04.40 Хоккей. Чемпионат России.
20.35 «Вести-спорт». Местное время.
23.40 Волебол. Олимпийский квалификацияльный турнир. Женщины. Россия - Сербия.
06.35 «Сборная Россия». А. Еременко.

Шанба

07.05 Волебол. Олимпийский квалификацияльный турнир. Женщины. Россия - Сербия.
09.00 11.00 15.35 19.10 23.55 02.25 «Вести-спорт»
09.10 Скейтборд. Кубок мира. Мужчины.
09.35 Бобслей. Кубок мира. Мужчины. Двойки.

11.10 00.15 «Вести-спорт». Местное время.
11.15 «Легисла спорта» ЧССР - СССР. Каноиньонный уастан и уастаны.
11.50 Баттон. Кубок мира. Мужчины. Спринт.
13.25 ТБ. Двойки Тун (Самое) - Роберт Хонне (США).

14.30 Бобслей. Кубок мира. Женщины.
15.45 02.35 Автопортрет «Давар-2008»
16.40 Баттон. Кубок мира. Женщины. Гонка преследования.
17.25 Каноиньонный спорт. ЧМ по спринтерскому многоборью. 500м.
19.25 Баттон. Кубок мира. Мужчины. Гонка преследования.
20.20 Каноиньонный спорт. ЧМ по спринтерскому многоборью. 1000м.
21.55 Волебол. Олимпийский квалификацияльный турнир. Женщины. 1/2 финал.
00.25 Футбол. Чемпионат Италия.
03.25 Волебол. Чемпионат России.
05.15 Баттон. Кубок мира. Гонка преследования.

Якшанба


07.10 Волебол. Олимпийский квалификацияльный турнир
09.00 11.00 14.40 19.10 23.55 02.25 «Вести-спорт»
09.10 Бобслей. Кубок мира. Четверки.
11.00 00.15 «Вести-спорт». Местное время.
11.15 «Страна спорта»
11.55 Хоккей. Чемпионат России.
14.10 «Сборная Россия»
14.55 Хоккей. Чемпионат России.
17.10 Баттон. Кубок мира.
18.20 02.35 Автопортрет «Давар-2008»
19.25 Баттон. Кубок мира.
20.20 Волебол. Олимпийский квалификацияльный турнир.
22.20 Каноиньонный спорт.
00.25 Футбол. Чемпионат Италия.
03.05 Каноиньонный спорт. ЧМ по спринтерскому многоборью. 1000м.
04.50 Баттон. Кубок мира. Масс-старт.

ТВ-дастурлар «Садо» МЧЖ томонидан тақдим этилди.

WWW

ЯНГИ 2008 ЙИЛ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ? БУ ЙИЛ ҚАЙСИ ВОҚЕАЛАР АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДА КАТТА БУРИЛИШ ЯСАШИ МУМКИН? ECONOMIST ЖУРНАЛИ МУТАХАССИСЛАРИ ЖОРИЙ ЙИЛДА ЮЗ БЕРИШИ КУТИЛАЁТГАН, 2008 ЙИЛ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИ ҚИЁФАСИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРУВЧИ АНА ШУНДАЙ ҲОЛАТЛАРНИ АНИҚЛАШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИШДИ ВА УЧ МУҲИМ ВОҚЕАНИ АЛОҲИДА АЖРАТИБ КЎРСАТИШДИ.

2008 ЙИЛДА БИЗНИ НИМАЛАР КУТМОҚДА?



1-воқеа. Мутахассислар, аввало, Глобал тармоқ маълумотлар узатиш каналидаги юкранишлар янада ўсишига эътибор қаратишди. Экспертлар бу борада айна пайтда турли ижтимоий йўналишдаги сервислар, шунингдек, YouTube жумласидаги хизматлар ва интернет-телевидение жуда кенг оммалашаётганини ҳисобга олишди. Илгарилари интернетдан асосан маълумотларни компютерларга кўчириб олишда фойдаланилган бўлса, эндиликда тескари йўналишда — маълумотларни жўнатишнинг катта оқими ҳам пайдо бўлди.

Интернет орқали жўнатиладиган маълумотлар оқимининг кўпайишида янги русумдаги портатив курилмалар ва маиший техникалар катта рол ўйнайди. Economist журнали ходимларининг фикрига кўра, тез орада ҳар қандай медиаплеер, рақамли камера, DVD-курилма ва телевизор янги маълумотлар олиш ва узатиш учун интернетга улашиши мумкин бўлади. Шу ўринда спамерларнинг фаолияти эҳтимолини ҳам назардан қочирмаслик даркор, масалан, ўтган 2007 йилда уларнинг "саёҳат ҳаракатлари" билан электрон почта орқали юборилган хатларнинг 90-95 фоизи айнан нокерак хатлар бўлиб чиқди.

Маълумки, йирик провайдерлар тармоқ инфратузилмасини яхшилаш йўлида иш олиб боришяпти, ammo экспертларнинг таҳлил қилишларича, бунинг самараси бирданига намоён бўлмайди. Дарвоқе, интернет инқироз кўчасига кириб қолиши тўғрисидаги фикрга ARPANetни тузишда қатнашган, Anagran компанияси асосчиси Лоренс Робертс ҳам қўшилган. Робертснинг таъкидлашича, айна пайтда тармоқ орқали узатилаётган трафик ҳажми йилига икки ба-

раварга кўпаймоқда, тармоқ қурилмалари, жумладан, маршрутизаторлар нархи эса ҳар бир ярим йилда икки бараварга арзонлашмоқда. Бу номутаносиблик, эртани-кечми, иқтисодий инқирозни келтириб чиқариши ҳеч гап эмас.

2-воқеа. Мобил интернет оммавийлигининг ошиши ахборот технологиялари соҳасининг жорий йилдаги энг муҳим-воқеаларидан бири бўлиши мумкин. Бу жараёнда Google Android қабилдаги лойиҳалар катта аҳамият касб этади. Шу ўринда эслатиб ўтиш ўринлики, Google компанияси Android лойиҳаси доирасида Linux базаси асосида амалиётлар тизими ва очик кодли компонентлар ишлаб чиққан. Android базасига асосланган қурилма эгалари ўзлари истаган веб-сервисдан фойдалана олишлари мумкин, бу эса назарий жиҳатдан мобил интернет оммавийлигини оширишга хизмат қилиши тайин.

3-воқеа. 2008 йили очик дастурий таъминот, хусусан, Linux амалиётлар тизимига қизиқиш кучаяди. Очик дастурий таъминотнинг бозор улуши ўсишида Linux ўрнатилган арзон шахсий компютерлар, шунингдек, дастурчиларнинг изланишлари ижобий таъсир кучини кўрсатади.

Linuxнинг муаллифи Линус Торвалдс ўз очик амалиётлар тизими портатив қурилмалар бозорида ҳам ўрнини топишига ишонч билан қарамоқда. Айна пайтда шахсий компютерлар бозорида ҳам Linuxга қизиқиш ортаётди. Linux Foundation тадқиқотларидан маълум бўлишича, ҳозирда мазкур амалиётлар тизими 100 нафаргача ходим ишловчи кичик корхоналарда ҳамда шахсий компютер фойдаланувчилари орасида кўпроқ оммалашган экан.



ALOQA OLAMIDA

НАВБАТ ҚИШЛОҚҚА

China Dailyнинг хабар беришича, Хитой ҳукумати 2008 йилдан янги сайёр дастурни татбиқ этишни бошлайди. Унга кўра, фермерларга телевизор, мобил телефон ва бошқа маиший техника харид қилишда 13 физик чегирма-имтиёз берилади.

Дастур дастлаб мамлакатнинг қишлоқ хўжалигига ихтисослашган йирик уч провинциясида яшовчи харидорлар эҳтиёжини қондириш мақсадида жорий этила бошланади. Маълумки, айна пайтда Хитой иқтисодиёти юксалишида давом этапти, бу жараён айниқса шаҳарларда яққол кўзга ташланади, бироқ қишлоқ туманларида яшовчи 800 миллион аҳолининг катта қисми умумтаракийёт имкониятларидан четда қолаётганди.



СЕН ЗЎРМИ, МЕН ...

Samsung компанияси патентланган технологияларидан ноқонуний фойдаланганликда айблаб Sharp (Япония) компанияси устидан судга мурожаат билан чиқди.

Ўтган йил ёзида Sharp худди шундай айбловни Samsung гарданига юклаганди. Ўшанда Жанубий Корея компанияси телевизор, компютер ва мобил телефонлар чиқаришда Sharpга тегишли суюқкристалли экранлар ишлаб чиқариш технологиясига оид бешта патентни суиистеъмол қилаётганлиги вақт қилиб кўрсатилганди.

Японлар даввоси Техас федерал судида рўйхатга олинган. Шунингдек, худди шу йўсиндаги давво аризаси ўтган ойда Жанубий Корея судига ҳам берилди. Даввогар етказилган зарарни қоплаш ҳамда мазкур технологиялар асосида чиқарилган Samsung маҳсулотлари савдосини тўхтатишни талаб қилган.

Бунга жавобан Samsung рақиби устидан Японияда иш кўзгатди. Кореяликлар Кунчиқар ўлкада Samsung технологияси асосида Sharpнинг бир қатор маҳсулотлари чиқаётганлигини асос қилиб кўрсатишган. Бундан ташқари, АҚШнинг Халқаро савдо комиссиясига ҳам ариза топширилган. Унда Sharpнинг Америкада жойлашган иккита бўлинмаси патентланган технологиялардан ноқонуний фойдаланган ҳолда АҚШ ҳудудида маҳсулот ишлаб чиқараётгани ва импорт билан шуғулланаётганлиги айтилган. Samsung ҳам ўзига тегишли патент асосида рақиби чиқарган барча маҳсулотлар амалиётини тўхтатишни ниятида.

ТАРТИББУЗАР ВАЗИР

3 январ куни Гондурас ташқи ишлар вазири Милтон Хименес истейфо берди. Мас ҳолда автомобилни бошқаргани учун тўхта-тилган вазирининг полиция ходимларини дўппослашга ҳаракат қилганлиги ҳақидаги видеотасвир маҳаллий телевидение орқали эфирга узатилгани бунга сабаб бўлди.

Хименес 2007 йил 30 декабр куни йўл қондасини бузганлиги учун ҳибсга олинган ва полиция бўлинмасига келтирилганди. Айнан шу ерда дипломат тартиб посбонлари билан муштлашишга киришиб кетган. Бу ерда бўлган гувоҳлардан бири мобил телефони орқали воқеани тасвирга туширган ва телевидениега жўнатган.

“ЎЗИНГА ЭҲТИЁТ БЎЛ, ҚЎШНИНГНИ...”

Мобил телефондан фойдалангани учун 85 минг доллар тўлаши лозимлигини билгач Петр Станишекнинг хуши бошидан учди.

У Канаданинг Калгари шаҳридаги нефть компаниясида ишлайди. Станишек ойига 10 доллардан озроқ ҳақ тўлаб, Bell Mobility компанияси тақдим этаётган бошқа хизматлар сирасида янги мобил телефондан компютер учун модем ўрнида фойдаланиш мумкин деб ўйлаганди. Шу тарзда интернетдан қўллаб қўлланган ва шунга ўхшаш катта ҳажмдаги файлларни кўчириб олаверган, бунинг учун алоҳида пул тўлаш жоизлигини ҳаёлига ҳам келтирмаган.

CBC News телеканалига берган интервьюсида Станишек ўз ҳисоб рақами ойига ўртача 150 долларни ташкил этишини ва лимити тугаганлиги ҳақида илгари компания мунтазам хабардор қилиб турганини таъкидлаган. "Лимитдан 100 доллар ошиб кетишим билан телефонимни ўчириб қўйишарди. Энди бўлса ҳеч қандай огоҳлантиришларсиз бўйимига 85 минг долларни илиб қўйишди", дея норозилигини ифодалаган абонент.

SEMINAR

Ахборот-кутубхона тизими: ЯКУНЛАР, РЕЖАЛАР, МУАММОЛАР

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТ-ЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИНИНГ РЕСПУБЛИКА АХБОРОТ-КУТУБХОНА МАРКАЗИДА (РАКМ) АХБОРОТ-КУТУБХОНА МАРКАЗЛАРИНИНГ (АКМ) 2007 ЙИЛДАГИ ИШ ЯКУНЛАРИ ВА АКМ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ.

Семинарда РАКМ директори А.Эшматовнинг АКМлар аҳволи ва ривожланиш истиқболлари ҳақидаги маърузаси тингланди. Унда ахборот-коммуникация технологияларини ахборот-кутубхона марказлари фаолиятига жорий қилиш масалалари, эришилган ижобий натижаларга эътибор қаратилди. Шу билан бирга, АКМларнинг кутубхо-



на фаолиятига ахборот технологияларини жорий этиш суръатлари талаб даражасида эмаслиги қайд этилди ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўллари муҳокама қилинди.

Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази директори ўринбосари М.Муҳиддиновнинг кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда халқаро алоқалар ва ҳамкорлик, кутубхона жамғармаларини консервация ва реставрация қилиш ҳамда Россиянинг бир қатор ахборот-кутубхона марказлари билан халқаро китоб алмашиш масалаларига бағишланган маърузаси тадбир ишти-

рокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази техник директори А.Ғофуров ҳозирги кунда айрим АКМда синовдан ўтаётган миллий автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимини ишлаб чиқиш йўналишида иш олиб борувчи марказ бўлими фаолияти ҳақида маъруза қилди. АКМга қўмаклашиш мақсадида улар негизда жорий йил бошида Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази филиалларини очиш мўлжалланмоқда.

АКМ тармоғининг электрон каталогларини шакл-

лантириш борасида электрон қайдлар такрорланишини бартараф этиш мақсадида Корпоратив каталогизация маркази вази-фалари тўғрисида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси бўлим мудирини М.Раҳматулаев сўзга чиқди.

Тажриба алмашиш борасида пуллик хизмат кўрсатиш ҳамда АКМ ва ахборот-ресурс марказлари (АРМ) ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик масалаларига бағишланган Фарғона, Андижон, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари АКМ директорлари Д.Шукурова, Ш.Аҳмедова, М.Самадова ва К.Каримоваларнинг фикр-мулоҳазалари қизиқиш билан тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг етакчи мутахассиси Х.Холматованин маърузаси ЎзААнинг ахборот-кутубхона марказлари ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг ҳарбий қисмлардаги кутубхоналар ўртасидаги ҳамкорликка бағишланди.

РАКМ ходимлари Д.Қудратова ва М.Максумоваларнинг маърузаларида статистика ва кутубхона фаолиятининг янги шакллари жорий қилиш масалаларига эътибор қаратилди.

Элбек ДОЛИМОВ

KITOB JAVONINGIZGA

ЯНГИ НАШР

“Система сбора и обработки кадровой информации объектов связи”
Муаллифлар — М.М.Муҳитдинов, Р.Р.Сайфуллин.

Маълумки, ҳозирги кунда компютер технологияларидан фойдаланмай туриб ресурсларни самарали бошқариш мумкин эмас.

Шу жиҳатдан олиб қаралганда, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида кадастрлик ахборотларини йиғиш ва уларга ишлов беришнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш долзарб масалалардан ҳисобланади. “Система сбора и обработки кадровой информации объектов связи” (“Алоқа объектларининг кадастрлик ахборотларини йиғиш ва ишлов бериш тизими”) китобида муаллифлар бу борада тўплаган тажрибалар мисолида тизимни яратишнинг асосий тамойилларини еритишган.

Китоб халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида кадастрлик ахборотларини йиғиш фаолияти, шунингдек, кадастрлик ахборотларини йиғиш ва уларга ишлов беришнинг электрон тизимлари амалиёти билан шугулланувчи мутахассислар учун мўлжалланган.

TO'YXAT

Рашид ака ўз меҳнат фаолиятини оддий электромон-тёрликдан бошлаган. Умрининг салкам қирқ йилини ана шу мураккаб ва шарафли соҳага бағишлаган. Бу фидойи инсон дастлаб Вобкент туманидаги ишлаб чиқариш лабораториясида, кейинчалик Қизилтепа, Навбахор, Кармана, Конимех туманлари алоқачиларига амалий ёрдам кўрсатган.

Болалиги, ёшлиги Иккинчи жаҳон урушидан кейинги оғир ва мураккаб йилларда кечган Рашид ака уруш кўрган, жангтоҳларда қон кечган отаси Абдурайим отаниннг изтиробларида Ватаннинг ҳар қаричи муқаддаслигини, юртига муносиб фарзанд бўлиш ҳар бир йигит учун шарафлигини англади, ҳис этарди.

Меҳнатга меҳр қўйган, касбини севган, ардоқлаган киши ҳеч қачон кам бўлмайди. Ўқиб, ўзи севган соҳаниннг ҳақиқий мутахассиси бўлишни орзу қилган Рашид Қаюмов дастлабки йилларда омади келмай Тошкентдан қайтгани билан ниятларидан осонликча воз кечмади. Аммо ўз-ўзини енгил, ўзини ишонтириш, эзгу мақсадга интилган одам, албатта, унга эришиши мумкинлигини англаш ҳам унинг учун осон кечмади. Турмуш ташвишлари, оила ва бола-чақа масъулияти, танлаган касбининг машаққатлари... Буларнинг барчаси ўзига хос ҳаёт имтиҳони эди. Умр дарё мисоли ўтиб борарди. Ва ниҳоят, бошқалардек ўн саккиз ёшда эмас, 28 ёшида унга Тошкент электротехника алоқа институтига кириб, ўқиш насиб

Ибратли умр дафтари



эди. Эзгу ниятнинг эрта кечи йўқ, деб шунга айтсалар керак.

Олийгоҳни тугатгандан сўнг тўплаган тажрибаси замон талабига мос тараққиётга тенглашди. Навоий давлат электр алоқа ишлаб чиқариш корхонасининг моҳир алоқа мутахассиси сифатида катта обрў-эътибор топди. «Ўзбектелеком» АК «Навоий Телеком» филиалида мана 25 йилдирки, ҳалол меҳнат қилмоқда. Салкам ўн йилдан буён филиалнинг етакчи бўлиmlаридан ҳисобланган электр алоқа бўлимининг бошқармоқда.

— 1998 йили вилоятда ва республикада биринчилардан бўлиб Японияда ишлаб чиқарилган янги рақамли станция ишга туширилди, — дейди Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Худойкул Искандаров. — Эски АТСлар NEC компанияси билан ҳамкорликда JBIC лойиҳаси асосида 49 миң телефон нўқтасига мўлжалланган рақамли станцияларга алмаштирилди. Вилоятнинг

барча туман, шаҳарлари, ҳатто Қизилқумдаги олис манзиллар ҳам оптик-толали кабел линиялари билан боғланди. Бу алоқа оламида жуда катта ютуқ, керак бўлса катта инқилоб эди. Ушбу ишларни амалга оширишда Рашид Қаюмовнинг ҳам ҳиссаси бор.

— Хар бир соҳаниннг ўз жонқуялари бўлади, — дейди «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Навоий филиали директори Йўлдошмурод Жўлиев устози ҳақида гапираркан. — Устозимиз Рашид ака ўзи билган билиминини, эгаллаган бор маҳоратини шогирдларига беминнат ўргатишга қодир инсон. У киши нафақат тажрибали электр алоқа муҳандиси, балки бизга ҳаётнинг турли чорраҳаларида йўл-йўриқ қўрсатган, адолатли, саодатли ва ибратли умр йўлларини босиб ўтган қадрдон ва меҳрибон дўст, кўнгиллар муҳандиси сифатида ҳам меҳримизни қозонган.

Дарвоқе, қахрамонимизнинг бошқаларга ибрат бўлса арзийдиган яна бир жиҳати бор. Рашид ака ва Муаззам опалар тарбиялаётган беш фарзанднинг барчаси ота касбини танлаган. Тўнғич фарзанд Алишер Қаюмов узок йиллар «Навоий Телеком» филиалида ишлаб, етарли тажрибага эга бўлди, жамоа ўртасида катта обрў топди, энг муҳими, отасига қанот бўлди. Ҳозир Навоий кон-металлургия комбинатида шаҳарлараро алоқа муҳандиси бўлиб ишлаяпти. Хасан ва Ҳасанжонлар ҳам «Телеком»

да «пишган». Эгизаклар отаси тахсил олган олийгоҳни бир вақтда битириб чиққач, Ҳасанжон бугунги кунда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси, Ҳасанжон эса «Билайн» компаниясида фаолият кўрсатмоқда. Қизлари — Лазиза ва Азизалар ҳам меҳнат фаолиятини отаси меҳнат қилаётган кутулғ даргоҳдан бошлагани ҳам ҳар қандай киши ҳавас қилса арзийдиган ибрат.

— Устоз отадай улуг — деган ҳикматни кўп эшитганмиз, — дейди ўғилларидан бири Ҳасан Қаюмов. — Отасига шогирд бўлиб, камолга етиш бахти ҳар бир йигитга насиб этавермайди. Бизга ана шундай ифтихор насиб этгани бахтимиздир.

Қахрамонимизнинг умр дафтарида ибратли ҳаёт саҳифалари кўп. Маҳаллада фаол, оилада фарзандларга, невараларга ғамхўрлик, жамоада қаттиққўллик унинг фазилатига айланган. Шахмат ўйинида кўпчиликини доғда қолдирадиган бу кишига спортнинг бошқа турларида ҳам тенг келиш осон эмас.

Ўзининг 60 йиллик муборак ёшини қарши олаётган Рашид Қаюмовни кўтлаб, умрининг бундай ҳам зиёда бўлсин, дейимиз!

Маруся ҲОСИЛОВА,
“Xabar”нинг Навоий
вилоятидаги муҳбири

SARGUZASHT-DETEKTIV

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда)

Миссис Гартер оромкурсининг тирсақ кўйгичларига ёпишганча қотиб қолди. О, Ҳақ таоло! Патрикнинг овози! Патрик у билан гаплашди-я... Йўғ-э, бу ахир галлюцинация, холос. У бир дақиқагагина мизғиб кетгану кўзига уйқу аралаш шундай кўринган. Тавба, бу огохлантиришми ёки ёмонликдан бир аломатми? Яқинлашиб келаётган ўлимдан хабарми? Нима бўлганда ҳам унинг ёши бир жойга бориб қолди ва юраги ҳам жуда-жуда заиф.

— Ҳа, бу огохлантириш, — пичирлади миссис Гартер базўр ўрнидан турар экан. — Эсиз лифт учун бекор чикимдор бўлибман...

Бечора кампир бу воқеани бирор бир тирик жонга гапириб бермади, икки кун давомида жуда ғамнок ва ўйчан юрди. Жума оқшоми. Уйда сукунат ҳукмрон. Кекса леди одатига кўра олови ловуллаб ёниб турган камин ёнида суянчиги баланд оромкурсида ўтирарди. Аёл ҳозирлигини кўриб бўлганди. Тонг саҳарда қари леди банкка бориб 50 фунт олди, кўз ёшлар-ла қаршилиқ қилишига қарамай хизматкори Элизабетга топширди. Гартер ҳамма нарсаларини саралаб тахлаб чиқди. Баъзи қимматбаҳо нарсаларга ўлимидан сўнг улар қимларга ўтиши ёзилган ёрликчалар қўйди. Энди ўйга ботганда қўлидаги узун кўк хатжилда термулди, унинг ичидан буқланган бир парча қоғоз олди, бу адвокат Хопкинсон томонидан юборилган кекса ледининг васиятномаси эди.

Гартер хоним боюгина уни ўқиб чиққанди, аммо ҳозир яна бир марта кўриб чиққиси келди. Ужужат лўндалик ва аниқликнинг аниқ намунаси эди: 50 фунт садақат билан хизмат қилган Элизабет Маршаллга, 500 фунт сингисига, яна шунча жиянига, қолган ҳаммаси семвилли жияни Чарлз Рижвейга.

Гартер хоним қоникши билан бошни қимирлатиб қўйди. Чарлз жуда бадавлат инсон бўлади. У бунга муносиб. Ҳамиша ғамхўр, эътиборли, қувнок, холасининг умидсизликка тушишига сира йўл қўймади...

Кекса леди соатига қаради: уч дақиқа, яна уч дақиқа...

— Мен тайёрман, — пичирлади у,



— тайёрман ва мутлақо хотиржамман...

Аммо ўзини бунга харчанд ишонтиришга уринмасин ёрдам бермади, юраги нотекис ва тез-тез урарди.

Тўққиз ярим. Радиоприёмник қўйилган. Ҳозир у нимани эшитаркин. Динамикдан бундан чорак аср муқаддам ўтиб кетган эрининг овози янгрармикин. Бироқ приёмникдан садо чиқмасди. Кекса ледининг қулоқлари ашиқдан келаётган овозни илғади. Аста тирналяпти, худди кимдир ишонсизларча эшик тутқичини ушламоқчи бўлаётгандек. Элас-элас эшитилади. Гартер хонимнинг юраги зўр бериб ура бошлади.

Қутилмаганда хонага совуқ шамол ёпирилиб кирди ва кекса хоним даҳшатда қотди. Шунда саросима ичра миясига "Йигирма беш йил... Ахир биз Патрик билан энди бутунлай бегонамиз-ку", деган фикр келди. О, нақадар даҳшат! — кўрқув қалбини тобора қамраб борарди.

Қулф шикиллаб, эшик шовқинсиз ланг очилиб кетди. Гартер хоним иргиб турди ва оромкурси тирсақ кўйгичларига ёпишди. Бармоқларидан нимадир сирғалиб чиқиб каминнинг панжараларига тушди. Кекса хоним жонхўлатда қичқирмоқчи бўлди-ю, аммо кўрқув аралаш алла-

қандай бўғиқ ва паст чиққан овоз томоғида қотди. Эшик ёнида таниш қадди-қоматли киши турарди, каштанранг соқолли ва бакенбарли, эғнида малика Виктория замонларида урф бўлган серток. Ахир бу Патрик, уни олиб кетгани келди.

Терга ботган Гартер хоним полга сирғалиб тушди.

Бир соатдан кейин Элизабет унинг жасадини топди. Дарҳол доктор Мейнел ҳамда ошналарикида бриж ўйнаётган Чарлзни чақирди. Аммо ҳаммаси тамом бўлганди. Энди ҳеч ким Гартер хонимга ёрдам беролмасди. Элизабет ледининг доктор Мейнелга берган хати дарров ёдига тушди. Хатни ўқиб таажубда қолган врач уни ўша заҳоти жиянига узатди.

— Ҳалати тасодиф, — деди Мейнел. — Холангиз галлюцинациядан ҳам азоб чеккан кўринади. Афтидан ўладиган сана ва вақти миясига ўрнашиб қолган. Соат бонг чалганда, шундай шокка тушганки, даҳшатдан жони узилибди, бечоранинг. Ўзини шунга қаттиқ ишонтирган кўринади.

— Ўзини ишонтирган? — бўшашибгина сўради Чарлз.

— Ҳа, шунга яқинроқ. Ёриб кўрган имдан кейин бизга янаям анигини айтаман. Бироқ ҳарқалай расмиятчиликка риоа қилишимиз керак, сиз

бунга нима дейсиз?

Чарлз, тушундим, дегандай бош ирғади.

Ўтган тунда-ку, хизматкорлар ухлаётган вақтда радиоприёмникдан ўзининг бир қават юқорида бўлган ётоғига чўзилган симни йиғиштириб қўйган эди. Оқшом совуқ бўлгани учун у Элизабетдан каминни ёқини илтимос қилди ва каштанранг соқол ва бакенбарларни куйдириб ташлади. Марҳум тоғаси Патрикнинг комфора хиди бурқисинг кийимларини эса болахонанинг бир бурчагидаги сандиққа қайтариб солиб қўйди. Ҳозирча у ўзини хавф-хатардан ҳоли сезарди. Режаси ўзи ўйлагандан ҳам муваффақиятли чиқди. Хамирдан қил суғургандай. Шок, деб ўйлади доктор, майли, шундай бўлақолсин.

Мейнел кетгач, Чарлз ўзининг қайғули мажбуриятларини адо этишга киришди. Дафн маросимини ўтказиш бўйича буйруқлар бериши, келаётган қариндош-уруғларни жойлаштириш каби юмушлар қалашиб ётарди. Чарлз бир маромда, хотиржам, ўзидан мамнун ҳолда, ёқимли ўй-фикрлар билан ҳаракат қиларди. Ҳеч ким, ҳатто марҳум холаси ҳам Чарлзнинг аллақачонларидир қарз турмаси чегарасида турганини билмасди. Бриж ва бошқа хил қимор ўйинларига жон-жаҳди билан берилиш оз мунча пул талаб қилмас, аслида эса унда бундай пул йўқ эди. Энди эса... энди ҳаммаси жойида. У бир қанча ойлар давомида тўплаши керак бўлган пуллар ўйнаб-қулиб амалга оширган ажоиб режаси туфайли қарийиб чўнтагида! У шармандачиликлардан қутилиб қолди, энди у бой, жуда-жуда бадавлат...

Эшикнинг тақиллаши ёш йигитнинг хом-хаёлларини бўлиб юборди. Элизабет жаноб Хопкинсон — марҳуманинг адвокати сер Чарлз Рижвей билан гаплашиб олмақчи эканлигини маълум қилди.

"Айни вақтда, ўйлади ингичка зинаполярдан тушар экан, юрист билан саломлашди. Айни вақтда".

Адвокат уэр сўраб, Чарлзга таъзия изҳор этди-да, йўталиб олгач, ишга киришди.

(Давоми бор).

Рус тилидан
Ҳафиза САЛҲОВА

SAVOL VA JAVOB

ҚОР ОГИРЛИГИ ҚАНЧА?

Битта қор зарраси тахминан граммнинг миңдан бир улушига тенг оғирликка эга. Шунга қарамасдан, атиги бир неча соат ичида кўп қиррали бу митти учқунлар ерни қалин қор кўрпаси билан қоплай олади. "Кўрпа" анчагина салмоқли вазнга эга. Қишнинг охирига бориб Шимолий яримшарга ёққан қорнинг оғирлиги 13500 миллиард тоннадан ошади, бу жами ёққан қорнинг 95,2 фоизи демак. Жанубий яримшарга ёғадиган қор салмоғи 3,8 фоизни ташкил этади. Ёққан қор умум-сайёра миқёсида олиб қараганда Кўёш нурларининг 90 фоизини ўзида акс эттирувчи улкан кўзгуга ўхшайди. Қордан ҳоли худудлар эса қолган 10 фоиз нурни акс эттира олади. Ҳалати ҳолат, аммо Ерининг Кўёшдан қанчалик кўп иссиқлик олиши бевосита ёққан қор майдонининг катталигига боғлиқ экан.

ЮРАК ҚУВВАТИ ҚАНЧА?

Инсон юраги — фавқуллода бардошли аъзо. У эркак киши вазнининг 1/215, аёл кишининг 1/250 вазини ташкил этгани ҳолда (220-300 грамм) ҳар сонияда томирларга 70 мл ёки суткасига 6 миң литр қон ҳайдайди. 70-72 йилда бу кичик "мотор" умумий ҳисоблаганда 160 миллион литр қон ҳайдайдики, бунга жоннинг энг баланд Эверест чўққисига электропоездни чиқаришга қодир эскалаторга тенглаштириш мумкин.

ҚАЙСИ ШАҲАР ЭНГ ЁРУҒ?

Бу саволга сайёрамизнинг фазодан олинган суратлари ёрдамида жавоб олиш мумкин. Дунёнинг барча йирик мегаполислари кечаси космосдан кузатилганда худди пайпаслагичларини турли томонга чўзиб нур таратаётган саккизоёқларга ўхшайди. Унча катта шаҳар бўлмаса ҳам, Лас-Вегас дунёнинг энг ёруғ шаҳри ҳисобланади. Қоронғу тушиши билан унинг 120 квадрат километр худудида 24 мингта неон электр чироқлари порлай бошлайди. Кейинги ўринлар Нью-Йорк, Париж, Токио ва Мехикога тегишли. Фазогирларнинг сўзларига қараганда, бу борада Москва шаҳри ҳам йирик мегаполислардан қолишмас экан. Аммо унинг чарогон транспорт артериялари белоён кенгликлар қўйнига сингиб йўқ бўлиб кетаркан. Масалан, АҚШда кечаси фазодан аниқ-равшан кўриниб турувчи электр тармоқлари худди қон томирлари мисоли тугашиб туради. Яқинда италиялик астрономлар Пиерантонио Чинзано ва Фабио Фалкилар тунги осмон ёруғлиги харитасини тузиб чиқишди. Унга кўра, бошқа "қора" қитъалар орасида АҚШ, Европа, Япония ва Канада осмони ялтироқ доғга ўхшаб ажралиб турибди. Маълум бўлишича, Европа аҳолисининг 98 фоизи шаҳар чироқлари осмонга хира-сарик шувъла сочиб тургани боис, ҳатто булутсиз кечаларда ҳам осмондаги юлдузларни кўра олмас эканлар. Экологларнинг бонг уришларича, шаҳарларнинг ҳаддан зиёд ёритилиши янги экологик муаммо — ёруғлик ифлосланишини келтириб чиқараркан. Чироқ нурлари яқинида ўсувчи дарахтлар нисбатан кам яшаш ҳақида ўзидан кам қисорларда қириши фанда исботланган.

BU AJIB DUNYO

ТИМСОҲ ТУХУМЛАРИ
ТЎПЛАНМОҚДА


Мозамбик ҳукумати 100 мингдан зиёд тимсоҳларни кўшни Жанубий Африка Республикасига экспорт қилишни мўлжаллаяпти. "Ассошиэйтед Пресс" агентлигининг хабар беришича, ЖАРда тимсоҳ гўшти ва терисига талаб юқори даражада экан.



Ҳукуматнинг тимсоҳларни четга сотишдан кутган мақсади иккита: аввало, бу тадбир мамлакатнинг иқтисодий тараққиётига ҳисса қўшади, қолаверса, мазкур йиртқичлар ҳужумлари сабабли содир бўлаётган ўлимлар миқдори камаяди. Айтиш кераки, Мозамбикда ҳар йили ўнлаб кишиларнинг ўлимига айнан тимсоҳлар сабаб бўляпти.

Жанубий Мапуту ва Иньямбане, шунингдек, марказий Маника музофотларида тимсоҳ тухумларини тўплаш учун кўнгилчилардан махсус гуруҳлар тuzилган.

410 Ёшли Моллюска



Уэлсдаги Бангор университети олимлари заминдаги энг қари тирик жонзотни топганларини маълум қилмоқдалар. Улар Исландия соҳилларида океан венуси (Arctica Islandica) турига кирувчи моллюскага дуч келишган. Моллюска 405-410 ёшда деган фикрга келинди.

— Бу топилма ҳайвонлар ўртасидаги узоқ умр кўриш бўйича норасмий рекордни янгилади, — дейди "BBC News". — Олдинги рекорд ҳам моллюскага мансуб бўлиб, у 374 ёшда эди.

Қари моллюскага олимлар Мин деб ном беришди. Миннинг "болалик" даври Англияда қиролича Елизавета I ҳукмронлиги ҳамда буюк Шекспир яшаган йилларга тўғри келаркан.

Моллюсканинг ёши унинг чиганоғи сиртидаги халқалар сонига асосланиб белгиланди (одатда дарахтларнинг ёши шу усулда — кўндаланг кесилган танасидаги халқалар сони билан ҳисобланади). Бу жонзот Гиннеснинг рекордлар китобини бойитишдан ташқари, бундан юз йиллар олдин атроф-муҳитнинг аҳоли қандай бўлганлиги ҳақида олимларга маълумот беради. "Бу турдаги моллюскалар чиганоғи ҳолатига қараб, у шаклланган иқлим, сув ҳарорати ва бошқа шароитлар ҳақида ҳам хулосалар чиқариш мумкин", дейишмоқда университет олимлари.

СИГИРЛАРДАН
ҚУТҚАРИНГ!

Ўз итини сайрга олиб чиққан Буюк Британия полиция инспектори, эллик яшар Крис Пул шу пайтгача мисли кўрилмаган ҳужумга учради, деб ёзади "The Daily Mail" нашри.

Зак лақабли ити билан айланиб юрган Крис хонаки сигирлар ўтлаб юрган майдон ёнидан ўтаётганди. Одатда беозор бўлган уй ҳайвонлари итни кўришлари билан безовталаниб, тажовузкорона улар томон юришди. Фермада катта бўлган Крис кўркмасдан, қўлларини силтаб сигирларни ҳайдай бошлади, бироқ қутилмаганда улардан бири орқадан келиб уни сузиб йиқитди. Ерга йиқилган Крис ити боғланган арқонни кўйиб юборди. Шундан сўнг сигирлар итнинг кетидан чопишди. Бундан фойдаланган Крис бир амаллаб оёкка турди ва майдондан қочиб чиқди.



Тез орада уни кўриб қолган ўткинчилар "Тез ёрдам" чакиришди ва вертолётда касалхонага элтишди. Буни қарангки, Криснинг тўртта қовурғаси синган, ўпкаси жароҳатланган, бадани моматалоқ бўлиб кетган экан. Шунингдек, синган суяги артерия томирини ёриб юборганлиги натижасида у кўп қон йўқотган.

Интернет, Интернет тармоғи (ru — Интернет, сеть Интернет, en — Internet, Internet network) — 1. Глобал ахборот тизими:

- у билан IP-протоколида асосланган унитар адресли бўшлиқ билан ёки унинг истиқболли кенгайишлари/кетмакетликларида бўлган мантиқий боғланиш;

- Transmission Control Protocol/Internet Protocol (TCP/IP) ёки унинг кенгайишлари / кетма-кетликлари ёки IP-мос келувчи протоколлардан фойдаланиб коммуникацияни қувватлаши мумкин;

- коммуникацияларга асосланган ва улар билан боғланган инфратузилмада (бу ерда аниқланган), юқори даражадаги

АЛОҚАЧИ
ЛУФАТИ

сервисларни тақдим этади, фойдаланади ёки олиш мумкин бўлади.


2. Стандарт очик протоколлар бўйича ахборот алмашиш учун ўзаро боғланган мустақил компьютер тармоқларининг глобал (бутунжаҳон) кўплиги.

3. Умумий фойдалана олинadиган ахборот-телекоммуникация тармоқларининг мажмуи, улар ўртасидаги ўзаро ҳаракат бир хилдаги тармоқлараро протоколни қўллаш билан таъминланади.

Интернет-маркетинг (ru — Интернет-маркетинг, en — Internet-marketing) — Web-сайтлардан, электрон почта бўйича ахборотни мақсадли йўналтирилган юборишдан, фойдаланувчиларнинг мижозли ҳаволаларида ахборотни тезкор етказиш технологияларидан фойдаланиш йўли билан амалга ошириладиган интернет тармоғидаги маркетинг.

BO'SH VAQTLARDA

КРОССВОРД



Тузувчи: Умида ИСМОИЛОВА

ЭНИГА:

4. Қадимги Қарши. 6. Йиртқич ҳайвон. 9. Осиедаги давлат пойтахти. 11. Кот-д'Ивуар — ... Суяги Қирғоғи (мамлакат номи). 12. Ҳаво транспорти. 13. ... де-Жанейро. 14. Кир ювиш кукуни. 16. Қимматбаҳо тошларнинг ўлчов бирлиги. 19. Россиядаги дарё. 25. Даромад. 26. Мўйнали ҳайвон. 27. Динлардан бири. 28. Ҳарбий. 29. Йиғилиш, семинар. 30. Сўз туркуми. 31. Соч бўёғи. 32. Қиз боланинг исми (русча). 33. Сиёҳ. 37. Евроосиедаги миллат. 39. Эркин Воҳидовнинг машҳур шеър-қасидаси. 42. Тошқин, табиий офат. 43. Муъминнинг бурчи, тоат... 44. Ахборот агентлиги. 45. Йилнинг сўлим фасли.

БЎЙИГА:

1. Сабзавот экини. 2. Бемор, хаста. 3. Арабистон яриморлидаги муқаддас тоғ. 5. Балиқ тури. 7. Кишидаги ҳолат, ҳайрон қолиш. 8. АҚШ фазовий тадқиқотлар агентлиги. 9. Сайроқи куш. 10. Эркин, озод. 15. Бухоро вилоятидаги туман. 17. Фарғона водийсидаги шаҳар. 18. Ўқотар курол. 20. АҚШдаги штат. 21. Тоғ тизмаси. 22. Маҳсулот, мол. 23. Қуш. 24. Тоғ йўлининг энг юқори қисми. 31. Ташландиқ жой. 34. Думли юлдуз, комета. 35. Сирдош, ишончли киши. 36. Чаҳориёрлардан бири, халифа. 38. Хукм чиқарувчи идора. 40. Тропик мева. 41. Эртапишар мевали дарахт. 42. Сув ўзани.

"Kulqi.NET"

КОМПЬЮТЕР,
ОЛДИМГА КЕЛ!

— Мен клавиатуранни артдим...
Негадир, ўнг тарафдаги учта чироғи ёниб қолди. Бу нимани билдиради?
— Буми, клавиатуранг тоза бўлганини...



Бир одам компьютерлар дўконига кириб сотувчидан сўради:

— Сизда компьютер борми?
— Бор, сизга қанақаси керак?

— Ўзи қанақаси бор?
Сотувчи бир қанча номларни санади, харидор эса биттасини танлаб у ҳақда сўрай кетди:

— Бу ҳамма буйруқларни бажарадими?

— Албатта.

— Яхши, оламан.

Харидор уйига келди,

компьютерни полга қўйди,

ўзи эса бир неча кадам юриб ортига

қаради ва компьютерга

ўғирлиб деди:

— Компьютер, олдимга кел!



SPORT

FUTBOL

ЎЗБЕКИСТОН – ИОРДАНИЯ
ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИ
ЎТКАЗИЛАДИ

Ўзбекистон Миллий терма жамоаси Иордания термаси билан ўртоқлик учрашувини ўтказида, дея хабар тарқатди ЎФФ матбуот хизмати. Учрашув Тошкентдаги МХСК стадионида шу йилнинг 22 март куни ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Унгача португалиялик мутахассис Нело Вингада бошчилигидаги Иордания термаси Ироқ (24 январ) ҳамда Ливан (28 январ) термалари билан ўртоқлик ўйинида майдонга тушади.

КУБОКБАҲСЛАРИ ОЛДИДАН



"Пахтакор" клуби 19-27 январ кунлари Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатлари чемпионлари кубогига иштирок этади-ган 25 кишидан иборат кенгайтирилган рўйхатни эълон қилди.

Жамоага яқинда жалб қилинган футболчиларнинг 4 нафари рўйхатга киритилган. "Пахтакор" билан ҳали шартнома имзолашга улгурмаган Акмал Холматов ҳам Санкт-Петербургда боради-ганлар рўйхатидан жой олган.

Тўлиқ таркиб куйидагича кўринишга эга:

Дарвозабонлар: Игнатий Нестеров, Темур Жўраев, Элдор Тожибоев.

Химоячилар: Асрор Алиқулов, Илҳом Суюнов, Исломо Иномов, Камолитдин Тожиев, Александр Клещков, Анзур Исмоилов, Шавкат Муллажонов.

Ярим химоячилар: Сервер Желаров, Тимур Кападзе, Элдор Магдеев, Леонид Кошелев, Одил Аҳмедов, Ренат Байрамов, Нодирбек Кўзибоев, Акмал Холматов, Сахриддин Абдуллаев, Рустам Аъзамов.

Ҳужумчилар: Анвар Солиев, Уче Икхероме, Фарҳод Тожиев, Зайнитдин Тожиев, Шаҳбоз Эркинов.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз чемпиони БААда ўқув-машғулот ўтказмоқда. Дастлабки ўртоқлик учрашувида маҳаллий "Ал-Шааб" клуби билан дуранга имзо чекилди. Навбатдаги ўртоқлик учрашувлари эса 11 январ куни БААнинг "Ал-Ваҳда" ва 13 январ куни Суриянинг "Ал-Карам" жамоаларига қарши бўлиб ўтади. 14 январ куни жамоа Тошкентга учиб келади ва 17 январ куни тонгда Санкт-Петербург шаҳрига йўл олади. "Пахтакор" "D" гуруҳида Киевнинг "Динамо", Арманистоннинг "Бананц" ва Беларуссиянинг БАТЕ клублари билан куч синашади. Дастлабки учрашув 19 январ куни Украина чемпионига қарши ўтказилади.

«ҚУРУВЧИ» УКРАИНАДА
МАШҒУЛОТ ЎТКАЗМОҚДА



Миржалол Қосимов бошчилигидаги «Қурувчи» клуби Украина-нинг Алушта шаҳрида ўқув-йиғин машғулотларини ўтказмоқда.

Клуб Алуштага куйдаги таркибда йўл олди:

Дарвозабонлар: Павел Бугало, Олег Беляков, Мурод Зухуров;
Химоячилар: Бахтиёр Ашурматов, Гочули Гочулиев, Хайрулла Каримов, Алексей Николаев, Александр Хвостунов, Саҳоб Жўраев, Шавкат Раимқулов, Тимур Яфаров, Жамол Отақулов;

Ярим химоячилар: Сергей Лушан, Эркин Бойдуллаев, Рашид Ғофуров, Виктор Карпенко, Яннис Мандзукас, Вячеслав Пономарёв, Азизбек Ҳайдаров, Иброҳим Раҳимов, Анвар Раҳимов;

Ҳужумчилар: Шавкат Саломов, Уллубек Бақоев, Анвар Ражабов, Миразиз Жалолов, Дмитрий Кузин.

MINI-FUTBOL

ЎЗБЕКИСТОНГА
ИСПАНИЯ ВА РОССИЯ
ТЕРМАЛАРИ ТАШРИФ
БУЮРАДИ

2008 йил-нинг 20-28 апрел кунлари Тошкентда мини-футбол бўйича халқаро турнир бўлиб ўтади. Унда



Европанинг энг кучли терма жамоалари ҳисобланган испаниялик ва россиялик мини-футболчилар иштирок этади, деб хабар беради "Ардус" клуби матбуот-хизмати.

— Мазкур турнир Осиё чемпионати учун тайёргарлик босқичини ўтаб беради, — дейди Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи Павел Донченко. — Биз Испанияда бўлганмиз, россияликлар билан ҳам яхши муносабатдамиз, шу сабабли бундай турнирни Ўзбекистонда ўтказиш ҳақиқатга яқинроқдир. Рақиблар ҳам жаҳон чемпионати арафасида ўзaro ҳамда Осиё жамоаси билан беллашишга қарши эмас деб ўйлайман.

AVTO-RALLI

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА
ДАКАР РАЛЛИ ПОЙГАСИ
ЎТКАЗИЛИШИ МУМКИН

Хориж матбуоти тарқатган хабарларга кўра, экспертлар Дакар ралли пойгаси бошқа қитъага кўчирилиши мумкинлигини айтишмоқда. Шу жумладан, Австралия ва Марказий Осиё чўллари ушбу мусобақа ўтказилган жойлар сифатида қайд этилмоқда.



Ўзбекистон, Туркменистон ва Қозоғистон ҳудудидида Қизилқум ва Қорақум чўллари жойлашган. Аввал ушбу чўллар орқали Буюк Ипак йўли ўтган. Агар ташкилотчилар келгуси мусобақани айнан Марказий Осиёда ўтказишга қарор қилсалар, пойга қатнашчилари Шарқнинг қадимий шаҳарлари ҳисобланмиш Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларини зиёрат қилишлари мумкин бўлади.

Мавритания ҳудудидида мусобақани ўтказиш масаласида хавф туғилгани бос машҳур ралли пойгаси 30 йиллик тарихи мобайнида илк марта бекор қилинди. Ушбу мусобақа шанба куни Португалия пойтахтидан бошланиши лозим эди. Декабрь ойида мазкур минтақада тўрт нафар француз сайёҳи ўлдириб кетилганлиги мусобақаларнинг тўхтатилишига сабаб бўлди.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

"Фаргона Телеком" филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган қасаба уюшмаси қўмитаси жамоалари марказлашган ишлаб чиқариш лабораторияси етакчи мутахассиси Валерий Ежовга онаси **Римма ЕЖКОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА
АХБОРОТЛАШТИРИШ
АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шомансур ОБИДУҲАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Шухрат СОДИҚОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ
(масъул котиб)
Асаджон ХҲҲАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Солиқжон ҚОСИМОВ

Газета
Ўзбекистон матбуот ва ахборот
агентлигида 0016 рақами билан
рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 133-36-48; 136-35-29.
Факс: 136-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz

Таҳририятга келган кўлзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайд.

Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқлиниши мумкин.

Наширимиздан кўчириб босилганда "Хабар"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал —

Реклама матнларининг тўғрили-
гига таҳририят жавобгар эмас.

**Рақам ва далилларнинг
ҳаққонийлиги учун мақола
муаллифи масъулдир.**

Газетани таърифлашда Интернет ма-
териалларидан ҳам фойдаланилади.

"Шарқ" нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмаҳонасида chop этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

54-С сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми
4 босма табоқ,
Адали: 14528 нуска.

Газета таҳририят компютер
базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БҲҲРИЕВ.
Матн тереувчи: Диффуза МАТҚУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз:
UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиши вақти — 0.00.

1 2 3 4 5 6 8

Кўшиқларда Ватан мадҳи

КҮЙ, КҮШИҚДА ЖОЗИБА, СЕҲР БОР. МАҲОРАТ БИЛАН ИЖРО ЭТИЛГАН КҮЙНИ ТИНГЛАБ, ХУШОВАЗ ХОНАНДАНИНГ ХОНИШИГА КУЛОҚ ТУТСАНГИЗ, ЗАВҚИНГИЗГА ЗАВҚ КҮШИЛАДИ, КАЙФИЯТИНГИЗ КҮТАРИЛАДИ.



Ватанимиз ҳимоячилари ҳам санъат шайдоси. Улар дилрабо кўшиқ, гўзал рақсдан куч, илҳом олишади. Ўз постларида хушёрлиги ортиб, юрт тинчлигини сақлашга бўлган иштиёқи кучаяди. Тинчлик бор жойда дилга хуш ёқувчи садолар янграйди, куй-кўшиқ авжига чиқади. Шу боисдан ҳам Қуролли Кучларимиз ташкил этилган дастлабки кунлардан оқ мутасаддилар томонидан Ўзбекистон Қуролли Кучлари Марказий ашула ва рақс ансамбли ташкил этилди.

14 январь — Ватан ҳимоячилари кунин олтидан жамоатчи муҳбиримиз ансамбл бадий раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, майор Шухрат Дадажонов билан суҳбатлашди.

— Шухрат ака, аввало ансамбл фаолияти ҳақида гапириб берсангиз.

— Ансамблимиз 1992 йил 25 майда ташкил топган бўлиб, айни вақтда ушбу даргоҳда йигирма бир нафар ҳарбий хизматчи, ўттиз олти нафар Қуролли Кучлар хизматчиси фаолият кўрсатмоқда. Ансамблимиз репертуаридан асосан ватанпарварлик руҳидаги куй-кўшиқлар, ҳарбий маршлар кенг ўрин олган. Шунингдек, миллий ашула ва рақсларни ҳам ижро этиб келямиз. Қуролли Кучларимизда ўтказилаётган бирорта тadbир ҳарбий санъаткорларнинг чиқишларисиз ўтмайди. Ансамблимиз жамоаси хорижда, жумладан, АКШ, Германия, Италия каби давлатларда ижодий сафарда бўлиб қайтган. Ўн олти йил тарих учун қисқа муддат. Бироқ, ана шу вақт ичида ансамблимиз шаклланиб, ўз овозига, ўрнига эга бўлди. Биз Қуролли Кучларимизда муваффақиятли амалга оширилаётган ислохотларга ўз санъатимиз билан озми-кўпми ҳисса қўшиб келаётганимиздан фахрланамиз.

— Ҳарбий санъаткорлар ичида ёшлар ҳам борми?

— Жамоа асосан ёшлардан ташкил топган. Шу боис ҳам ансамблимиз ижодкорларининг чиқишларида ёшларга хос шижоат ва кувноқлик уфуриб туради. Ан-

самблимиз якяхон хонандалари нафақат ҳарбий ватанпарварлик, ўзбек миллий кўшиқларини, балки жаҳон халқлари кўшиқларини маромига етказиб қуйлашса, раққосалар ҳам ўз навбатида турфа миллат рақсларини ўшқинлик ва ўзига хос назокат билан ижро этишмоқда.

— Чиқишларингиз жойларда қандай қабул қилиняпти?

— Мудоффа вазириликка қарашли ҳарбий қисмларнинг биринчи ёш аскарларнинг ҳарбий Қасамёд қабул қилиш тантанаси ҳеч эсимдан чиқмайди. Кўшиқларимиз республика миқёсида ўтадиган катта тантаналар ва байрамларда ҳам кўп бор жаранлаган. Миллионлаб томошабинлар эътиборига ойнаи жаҳон орқали ҳавола этилувчи Муствақиллик байрами тантаналари дастуридан ҳам ҳарбий блок ўзига хос ўрин эгаллайди. Бир-бирдан кўркам ва зарбардаст, аллқомат, салобатли Ватан ҳимоячилари билан бир қаторда ҳарбий санъаткорларимизнинг чиқишлари ҳеч қимни бефарқ қолдирмаётганлиги қувонarli, албатта. Чунки ҳарбий ватанпарварлик, она юртга меҳр ва садоқат, муқаддас бурч ҳамда юксак масъулият ҳақида юракдан тўлиб қуйланаётган кўшиқларимиз нафақат ҳарбийлар, балки турли ёшдаги ватандошларимизнинг ҳам сеvimли кўшиғига айланиб улгурган.

— Ҳарбий ансамбл аъзолари ҳақида ҳам гапириб берсангиз?

— Ансамблнинг эл олқишига, хурматига сазовор фидойиларни кўп. Улар орасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ва Қорқалпоғистон халқ артисти, бош балетмейстер, майор З.Мадраҳимова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар, офицерлар — М.Ҳакимов, К.Раҳматов, З.Бобононов, ҳарбий солистлар Т.Юсупов, У.Ҳайдаралиев, Р.Пиржонов, Ш.Имомбердиев, муסיқачилар Қ.Умиджонов, Ф.Азимов, Р.Ваҳобов, Д.Хўжакуловлар номи алоҳида тилга олишга арзийди. Шунингдек, ансамблда Қуролли Кучлар хизматчилари машҳур эстрада хонандалари — О.Назарбеков,

У.Шаҳобов, Н.Ёндошева, И.Искандаровалар ҳам фаолият кўрсатишади.

Ансамблимиз раққосалари орасида турли кўрик-танловлар иштирокчилари ва ғолиблари ҳам бор. Масалан, Заҳро Шамшихоннова, Нигора Тошматова "Мукарама Турғунбоева" республика кўрик-танловида ғолибликни қўлга киритишган. Жамоамиздагиларнинг барчаси изланувчан, тиришқоқ ёшлар.

— Республика миқёсидаги кўрик-танловларда ҳам иштирок этиб турасизларми?

— Албатта. "Ўзбекистон — Ватаним маним" кўрик-танловида ҳам танловга эга. Ансамблимиз солистлари ижросидаги кўшиқлар ана шу нуфузли кўрик-танловда бир неча бор фахрли ўринларни қўлга киритган. Жамоамиз эстрада жанрида ҳам баракали ижод қилиб келмоқда.

— Келгуси режаларингиз?

— Янги куй, кўшиқлар устида ишлаяпмиз. Шу боис, шоирлар, бастакорлар билан яқин ҳамкорликда иш олиб боряпмиз. Она Ватани мадҳ этувчи, қалбларни жунбушга келтирадиган бетақдор, гўзал кўшиқлар яратиш энг эзгу мақсадимиздир.

Гулнора
ҲОЖИМУРОДОВА

2001 йилда чиқарилган ПОЧТА МАРКАЛАРИ

"ДАВЛАТ ҚУРОЛЛИ КҮЧЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ" КУПОНЛИ ПОЧТА МАРКАЛАРИ ТУРКУМИ. О.ЖОЛДАСОВА ДИЗАЙНИ. В.КОВРЕИН ФОТОСИ.



416. "Учувчилар тайёргарлиги" почта маркаси.



417. "Вертолётчилар тайёргарлиги" почта маркаси.



418. "Танк бошқарувчиси" почта маркаси.



419. "Мина қидирувчи" почта маркаси.



420. "Назарий машғулоти" почта маркаси.



421. "Танкчилар машғулотли" почта маркаси.



422. "Замбаракчилар машғулотли" почта маркаси.

415-422 маркалар 8 марка, 1 купондан иборат кичик варақ кўринишида босилган.

Муборак келди унгу!

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиали жамоаси Косон почта алоқаси тармоғи муҳандиси Малика ЙҮЛДОШЕВА ҳамда Чироқчи почта алоқаси тармоғи сараловчиси Шахло ШАВРИКОВАларни таваллуд топган кунлари билан муборакбод этади. Уларга узоқ умр, тани-сиҳатлик тилайди.

"ЎзИ-Қарши" филиали жамоаси филиалнинг мижозлар билан ишлаш бўлими оператори Дилфуза БАРАТОВАни таваллуд топган кунин билан табриkläйди. Унга сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, ишларида ривож тилайди.



"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Бухоро филиали Ромитан почта алоқаси тармоғи жамоаси тармоқ касабаси уюшмаси кўмитаси раиси Фарҳод ЖУМАЕВни туғилган кунин билан муборакбод этади. Унга узоқ умр, ишларида ривож, яқинлари бахтига омон бўлишини тилаб қолади.

"Фаргона Телеком" филиали ҳамда виллоят алоқа ходимлари бирлашган касабаси уюшмаси кўмитаси жамоалари Бағдод телекоммуникациялар боғламаси ишлаб чиқариш бошлиғи Тўйчибой ЖҮРАБОВЕВни 55 ёшга, Риштон телекоммуникациялар боғламаси линия электромонтёри Исмоилжон ЮСУПОВни 50 ёшга тўлиши муносабати билан чин юракдан табриkläйди. Уларга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, хонадонларига файзу барақа, фарзандлар роҳатини кўриб яшашларини тилайди.